

хизматлар курсатиш;

қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачининг буюртманомаларини бажариш;

каттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш буйича хизматлар учун электрон тулов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

каттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати буйича Буюртмачиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

Буюртмачининг мурожаатига асосан, алоҳида кўрсатилган нарх буйича бузилишдан қолган қурилиш чиқиндиларни, грунтни, агротехник ишлардан чиқарилган чиқиндиларни (шоҳ-шаббалар, буталар ва бошқалар), олиб чиқиб кетиш учун қушимча транспорт воситасини ажратиш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

Буюртмачининг мурожаатига асосан, каттик маиший чиқиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг қўлаб тўпланиб қолишига қарши режалар ишларни олиб бориш (контейнерлар ва чиқинди тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

Тўпланиб қолган чиқиндиларни ҳисобини олиб бориш;

Буюртмачига курсатилмаётган хизматлар сифати буйича камчиликларга йул қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

каттик маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун туловлар ҳисоб- китобининг ҳолати, шунингдек курсатилган хизматлар учун туловлар буйича қарздорларнинг йуқлиги туғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

Сан ПиН Руз. № 0297-11 биноан чиқиндиларни йиғиш шохобчаларини ва қутиларни дезинфекция қилиш;

3.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шартнома асосида, узига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

хизматлар курсатилмаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда жарима ёки пеня (неустойка) туланишини талаб қилиш;

Ижрочидан каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг курсатилиши шартлари, хизматлар учун тулов миқдорларининг узгаргани ва тулов тартиби туғрисидаги ахборотларни олиш, хизматлар учун электрон тулов тизими орқали тулаш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма ёки телефон орқали шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

шартномага мувофиқ, вақтинча ишлаб чиқариш ишлари бўлмаган, ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиниш;

каттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат курсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;